

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI
JOQARI HÁM ORTA ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI
ÁJINIYAZ ATÍNDAGÍ
NÓKIS MÁMLEKETLIK PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTI



«Tálim-tárbiyanıń sapasın asırıwda ilimiy-innovaciyalıq texnologiyalardı ámeliyatqa engiziw máseleleri» atamasındaǵı
Xalqaralıq ilimiy-teoriyalıq Online konferenciya

MATERIALLARÍ

14-15 aprel

«Ta'lim-tarbiyaning sifatini oshirishda ilmiy-innovatsion texnologiyalarni amaliyotga joriy etish masalalari» mavzusidagi
Xalqaro ilmiy-nazariy Online anjuman

MATERIALLARI

14-15 aprel

МАТЕРИАЛЫ

Международной научно-теоретической
Online конференции на тему «Вопросы внедрения в практику
научно-инновационных технологий в повышении качества
обучения и воспитания»

14-15-апрель



NÓKIS-2021

Арзиев Р.А. Ўзбекистанда ўшинчи ренессанс даўри: таълимнинг философиялық - аксиологиялық анализи.....	185
Оразбаев А.К. Жаңа Ўзбекистан жаңа социаллық реаллық сыпатында (Философия пәнинде «Жәмийет философиясы» темасын оқытыў мысалында).....	187
Курбанбаева Д.М., Кожамуратова Ш.Т. Роль народной педагогики в воспитании студентов молодежи в духе патриотизма на примере дастана «кырк кыз».....	189
Ноғқо'зиёева М.А. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarga ekologik tarbiya berishning ahamiyati.....	191
Курбанбаева Д.М., Бекбагамбетова Ж.Р. Педагогические взгляды великого каракалпакского поэта и мыслителя Бердаха.....	193
Тажекбаева З.К. Таълимда педагогик технологияларнинг муҳим жиҳатлари ва хусусиятлари.....	195
Усенов Ж., Дабылов А.П. Бердактың философиялық мийрасы ҳәм миллий менталитет.....	196
Юсунов Д.Ф. Информатика фани таркибини структуралаб таълим сифатини такомиллаштириш ва талабаларни фаоллаштиришга инновацион ёндашув.....	198
Курбанбаева Д.М. Профессор Нағмет Урумбаевтың илимий педагогикалық хызмети ҳәм таълим-тәрбиялық ой-пикирлери.....	201
Холматова З.Т., Мамасодиқова М. О'қувчиларда шарқона тарбияни shakllantirishda genderli yondashuvni takomillashtirish texnologiyalari.....	203
Nazarbaev F.O. Jaslardi watan súyiwshilik ruwxında tárbiyalawda milliy hám mánawiy tárbiyanıń ornı.....	205
Пазылов Т.А. «Бўзўғлон» достонида «омонатни омон сақлаш» масаласи.....	207
Оразымбетов Е.К. Ёшларда ватанпарварлик тарбиясини ривожлантиришнинг асосий омиллари.....	209
Эшдавлатов Ф.Э. Меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида мақсадли касбга йўналтириш механизмлари.....	211
Piniyazova Sh.O., Turimbetova Z.B. Ta'lim-tarbiya sohasiga yangicha yondashuv.....	213
Бахриев А.Р., Шарипова М.В. Мусиқа тинглаш фаолиятининг эмоционал хусусиятлари.....	214
Огаев Х.С. Ўқитувчи касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда инновацион ёндашувларнинг аҳамияти.....	216
Бахриева Н.А. Мактабгача таълимда болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш дастури.....	218
Joldasbaev P.M. Akademik Jumanazar Bazarbaevtin' insan kámilligin qáliplestiriwdegi mashqala hám shimleri haqqında pikirleri.....	220
Meliboyeva G.S., Yusupova D.I. Kimyo darslarida tálim samaradorligini oshirish usullari.....	223
Kenesbaeva E.J., Abdurahimova D. Ta'lim-tarbiya jarayonida steam ta'limining ahamiyati.....	226
Kalekeeva S.T. Mental arifmetika dars mashg'ulotlarining bola bosh miyasining rivojlanishiga ta'siri.....	227

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим –тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПФ-6108-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли Қарори.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ

Н.А.Бахриева - БухДУ ўқитувчиси

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимининг дастлабки бўғини бўлган мактабгача таълим - яхлит таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлайдиган муҳим босқичга айланди.

Болаларни ахлоқий – маънавий тарбиялашда уларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Зеро, болалар ўзаро мулоқот жараёнида бир-бирининг ҳиссий ҳолатини англамаса ва ўз ҳиссийларини бошқаришни билмаса самарали мулоқот, ижобий ўзаро таъсир борасида гапириш қийин. Ўзининг эмоция ва ҳиссийларини тушуниш, англаш ўсиб келаётган шахснинг шаклланишида муҳим босқич бўлиб ҳисобланади.

2019 йил 8 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4312-сонли Қарорида, - “болани шахс сифатида жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда унинг роли оширилиши”, - алоҳида уқтирилган [1].

Ушбу муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш, болаларни кичик мактабгача ёшдан бошлаб ақлий ва ҳиссий ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Яқин вақтларгача интеллектуал имкониятларни шакллантириш асосий педагогик вазифа бўлиб келди, бироқ, болаларнинг ҳиссий олами, бошқа инсонлар билан муносабатини ташкил этиш, жамоада муваффақиятли фаолият кўрсатиш, ижтимоий кўникма ва малакаларини шакллантириш масаласига унча ҳам эътибор қаратилмади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳақида гапирди [2]. Ушбу шиддаткор даврда боланинг эмоционал ривожланишига шахс яхлит ривожланишининг дастлабки таркибий қисмларидан бири сифатида қараш ва уни сифатли ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этаётир.

Бу босқичли педагогик жараён бўлиб, мазкур вазифани узлуксиз таълим тизими хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, мактабгача ёшдаги болалардан бошлаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Зеро, мактабгача ёш - бола шахсининг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишининг асосий давридир.

Эмоционал тажриба ва қизиқишларга асосланган ҳолда боланинг турли фаолиятлар жараёнида билиш, англаш, аниқлаб олиш қобилияти шаклланади, турли эмоциялар

мазмунини тушуниш ва ифодалаш, катталар кўмагида уларни дифференциациялаш, ўз эмоционал ҳолатини баҳолаш ва бошқариш амалга оширилади ва оламга, бошқа кишиларга, ўзига нисбатан эмоционал-позитив муносабат шаклланади. Натижада боланинг жамоада ўзини эркин ҳис қилиши, бошқалар билан мулоқот қилиши ва муносабатга киришиши енгиллашади, ижодий имкониятларини намойиш этиши учун шарт-шароитлар янада кенгаяди.

Тадқиқотимиз жараёнида махсус ишлаб чиқилган сўровнома асосида болалар ижтимоий-ҳиссий ривожланишининг бўш нуқталарини аниқлаштириб олдик ва шу асосда ривожлантирувчи дастур ишлаб чиқдик.

Мазкур дастурда юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатлар, педагогик-психологик таъсир усуллари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш методикаси яхлит тарзда умумий вазифани ечишга қаратилган бўлиб, болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантиришга қаратилган.

Ҳар бир мавзунини бошлаб, албатта болалар билан дастлаб ушбу мавзу доирасида суҳбат уюштириш мақсадга мувофиқ, суҳбат жараёнида тегишли мавзу бўйича болаларда мавжуд билим ҳамда тасаввурлар доирасини аниқлаш ва уларни йўналтириш имкони яратилади.

Ушбу дастур “Илк қадам” дастури [3] ва Давлат талаблари [4], шунингдек, “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сонли Қарорида [5] келтирилган ижтимоий-ҳиссий ривожланиш борасидаги барча асосий йўналишлар талабларидан келиб чиқиб ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган.

“Илк қадам” дастурида “Мен-концепция” 15 йўналишда, “Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш” 13 йўналишда, “Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот” 13 йўналишда, “Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш” эса 5 йўналишда кўрсатилган. Давлат талабларида эса “Мен-концепция”си 6 йўналишда, “Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш” 7 йўналишда ва “Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот” 8 йўналишда ифодаланган.

Шу асосда биз мазкур дастурни бир ўқув йилига мос ишлаб чиқдик. Унда экспериментал машғулотлар ҳафтада бир марта, жами 36 ҳафтага мўлжалланган бўлиб, ҳар бир мавзу “Мен-концепция”, “Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш” ҳамда “Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот” катта мавзулари асосида ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳар бир мавзу – мақсад, бажариладиган методик ишлар, қўйилган мавзу мақсади асосидаги ривожлантирувчи ўйин, кутиладиган натижалар ва таълимнинг мотивацион хусусиятларини ўзида акс эттирган.

Дастурда вербал интеллектга бағишланган, ижодий тасаввурни ривожлантирувчи, эркин фикрлаш ва ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантирувчи ўйинлар, психогимнастика ўйинлари, вербал тасаввурларни ривожлантирувчи ўйинлар, коммуникатив ва ўз-ўзини баҳолашни фаоллаштирувчи ўйинлар жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир машғулотда бирта ўйин орқали мавзу мақсади олиб чиқилади.

Айниқса, дастурда ифодаланган “Сенинг севимли машғулотинг”, “Ўзимиз ва дўстларимиз борасида ҳикоя тўқиймиз”, “Менинг севимли эртагим”, “Ким бўлмоқчисан?”, “Бола ва ота-она муносабатлари”, “Ўзига эътиборли бўлиш”, “Бошқаларга манзур бўлиш”, “Ўз-ўзига позитив муносабатни шакллантириш” каби мавзуларда ташкил этиладиган машғулотлар болаларнинг ўзаро муносабатларга киришиши, бир-бири билан изчил мулоқот қилишга интилиши, бир-бирини тушунишига кўмаклашади.

Умуман, боланинг эмоционал қониқиши - унинг шахси ва индивидуаллигини ҳурмат қилиш, унинг эмоционал ҳолатига тўғри муносабат кўрсатиш ва унинг шаънини кўллаб-қувватлаш орқали таъминланади. Бу эса кўп жиҳатдан мактабгача таълим соҳаси ходимлари фаолиятига боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида ПҚ-4312-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Электрон манба: www.Lex.uz
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. Электрон манзил: <http://www.uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/7118>
3. Грошева И.В. ва бошқ. “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. Т., 2018. - 63 б. Электрон манба: <http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/3ilkqadamozbek240818pdf.pdf>
4. “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 3032-сон буйруғи. 03.07.2018. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 10/18/3032/1450-сон).
5. “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон Қарори. Электрон манба: www.Lex.uz

AKADEMIK JUMANAZAR BAZARBAEVTIŃ INSAN KÁMILLIGIN QÁLIPILESTIRIWDEGI MASHQALA HÁM SHIMLERI HAQQINDA PIKIRLERI

P.M.Joldasbaev – NMP1, doktaranti

Ázel-ázelden bizge belgili qaysi elde yaki mámlekte bolsın ilimge, mánáwiyatqa hám tárbiyaǵa itibar kúshli bolsa sol eldiń rawajlanıw jolı júda joqarı dárejede bolǵan bunı bir qansha tariyxıy misallarda kórsekte boladı. Mine usınday danalıq pikirlerden kelip shıǵıp elimızdiń húrmetli prezidenti Shavkat Miramanovich Mirziyoyev 2020-julı 24-yanvar sánesinde Oliy májliske qılǵan múrajetinde, Ilim joq jerde artqa qalıwshılıq, jawızlıq hám álbette durıs joldan adasıw boladı. Shıǵıs danıshpanları aytqanıday “Eń úlken baylıq-bul aqıl-oy hám ilim, eń úlken miyras-bul jaqsı tárbiya, eń úlken kambaǵalshılıq-bul sawatsızlıq bolıp esaplanadı!”. Sol sebepli hámmebiz ushın zamanagoy bilimlerde ózlestiriw shın mánide máripat hám joqarı mádeniyat iyesi bolıwımız úzliksiz turmıshlıq talapqa aylanıwı kerek degen edi [1:1].

Ótkenlerdi húrmetlew, olardıń bay mádeniy miyrasların úyreniw hám áwlatın áwlatqa jetkiziw bizdiń aldımızda turǵan ádiwli wazıypalardıń biri bolıp sanaladı.

Kórnekleli ustaz, ataqlı filosof, ilimdi sheber shólkemlestiriwshi Jumazar Bazarbaev aramızda bolǵanında búgin 87-jasqa toǵan bolar edi. Atteń sum ajal onı aramızdan alıp ketti.

Birinshi prezidentimiz I.A.Karimov aytqanıday “Tariyxısız keleshek joq” ustazlardın miynetlerin uyreniw olardı úgit nasıyatlaw jas áwlatqa jetkeriw, jaslardı watan súyiwshilik ruxında tárbiyalawda, ustazımızdiń bizge qaldirıp ketken miynetleri úlken miyras sipatında úyreniliwi zaman talabı bolıp qalmaqta.

Akademik Bazarbaevtıń orta aziya sotsial filosofiyalıq, tábiyiy ilimiy oylar tariyxin, jahan mádeniyatınıń ğaziynesin oǵan úles qosqan aldınǵı wákılleriniń dóretiliwshiliginiń tiykarın salǵan alım. Ol Qaraqalpaq klassik shayirlarınıń kóz qaraların izzertlep filosofiyalıq oylarǵa oy qosqanı malim. Ájiniyaz shayırdıń dunyaǵa kóz qaraları haqqında filosofiyalıq osherk (Tashkent 2019-jil) miynetinde adamnıń ullı qadiriya, adamzattıń qadiriligi máselesi